

1566 - وَعَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِمَّا يُكْثِرُ أَنْ يَقُولَ لِأَصْحَابِهِ: «هَلْ رَأَى أَحَدٌ مِنْكُمْ مِنْ رُؤْيَا؟» فَيُقْصُ عَلَيْهِ مَنْ شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقُصَّ، وَإِنَّهُ قَالَ لَنَا ذَاتَ غَدَاةٍ: «إِنَّهُ أَتَانِي اللَّيْلَةَ آتِيَانِ، وَإِهْمَا قَالَا لِي: انْطَلِقْ، وَإِنِّي انْطَلَقْتُ مَعَهُمَا، وَإِنَّا أَتَيْنَا عَلَى رَجُلٍ مُضْطَجِعٍ، وَإِذَا آخِرُ قَائِمٍ عَلَيْهِ بِصَخْرَةٍ، وَإِذَا هُوَ يَهْوِي بِالصَّخْرَةِ لِرَأْسِهِ فَيَتَلَعُ رَأْسَهُ، فَيَبْدَهُهُ الْحَجْرُ هَهُنَا، فَيَتْبَعُ الْحَجْرَ فَيَأْخُذُهُ، فَلَا يَرْجِعُ إِلَيْهِ حَتَّى يَصِحَّ رَأْسُهُ كَمَا كَانَ، ثُمَّ يَعُودُ عَلَيْهِ فَيَفْعَلُ بِهِ مِثْلَ مَا فَعَلَ الْمَرَّةَ الْأُولَى!!» قَالَ: «قُلْتُ لَهُمَا: سُبْحَانَ اللَّهِ!! مَا هَذَا؟ قَالَا لِي: انْطَلِقْ انْطَلِقْ.

فَانْطَلَقْنَا، فَأَتَيْنَا عَلَى رَجُلٍ مُسْتَلْقٍ لِقَفَاهُ، وَإِذَا آخِرُ قَائِمٍ عَلَيْهِ بِكُلُوبٍ مِنْ حَدِيدٍ، وَإِذَا هُوَ يَأْتِي أَحَدَ شَقِيٍّ وَجْهَهُ فَيَشْرِشُرُ شِدْقَهُ إِلَى قَفَاهُ، وَمَنْخَرَهُ إِلَى قَفَاهُ، وَعَيْنَهُ إِلَى قَفَاهُ، ثُمَّ يَتَحَوَّلُ إِلَى الْجَانِبِ الْآخِرِ، فَيَفْعَلُ بِهِ مِثْلَ مَا فَعَلَ بِالْجَانِبِ الْأَوَّلِ، فَمَا يَفْرُغُ مِنْ ذَلِكَ الْجَانِبِ حَتَّى يَصِحَّ ذَلِكَ الْجَانِبُ كَمَا كَانَ، ثُمَّ يَعُودُ عَلَيْهِ فَيَفْعَلُ مِثْلَ مَا فَعَلَ فِي الْمَرَّةِ الْأُولَى» قَالَ: «قُلْتُ: سُبْحَانَ اللَّهِ! مَا هَذَا؟ قَالَا لِي: انْطَلِقْ انْطَلِقْ.

فَانْطَلَقْنَا، فَأَتَيْنَا عَلَى مِثْلِ التَّنُورِ - فَأَحْسِبُ أَنَّهُ قَالَ: فَإِذَا فِيهِ لَعَطٌ وَأَصْوَاتٌ - فَاطَّلَعْنَا فِيهِ؛ فَإِذَا فِيهِ رِجَالٌ وَنِسَاءٌ عُرَاةٌ، وَإِذَا هُمْ يَأْتِيهِمْ هَبٌّ مِنْ أَسْفَلٍ مِنْهُمْ، فَإِذَا أَتَاهُمْ ذَلِكَ اللَّهَبُ ضَوْضُوا، قُلْتُ: مَا هَؤُلَاءِ؟ قَالَا لِي: انْطَلِقْ انْطَلِقْ.

فَانْطَلَقْنَا، فَأَتَيْنَا عَلَى تَهْرٍ - حَسِبْتُ أَنَّهُ كَانَ يَقُولُ: «أَحْمَرُ مِثْلُ الدَّمِّ - وَإِذَا فِي النَّهْرِ رَجُلٌ سَابِحٌ
يَسْبِخُ، وَإِذَا عَلَى شَطِّ النَّهْرِ رَجُلٌ قَدْ جَمَعَ عِنْدَهُ حِجَارَةً كَثِيرَةً، وَإِذَا ذَلِكَ السَّابِحُ يَسْبِخُ مَا يَسْبِخُ، ثُمَّ
يَأْتِي ذَلِكَ الَّذِي قَدْ جَمَعَ عِنْدَهُ الْحِجَارَةَ فَيَفْعَرُ لَهُ فَاهُ، فَيَلْقِمُهُ حَجْرًا، فَيَنْطَلِقُ فَيَسْبِخُ، ثُمَّ يَرْجِعُ إِلَيْهِ،
كُلَّمَا رَجَعَ إِلَيْهِ فَعَرَّ لَهُ فَاهُ، فَأَلْقَمَهُ حَجْرًا، قُلْتُ لَهُمَا: مَا هَذَا؟ قَالَ لِي: انْطَلِقْ انْطَلِقْ.

فَانْطَلَقْنَا، فَأَتَيْنَا عَلَى رَجُلٍ كَرِيهِ الْمَرَاةَ، أَوْ كَأَكْرَهٍ مَا أَنْتَ رَأَيْ رَجُلًا مَرَأَى، فَإِذَا هُوَ عِنْدَهُ نَارٌ يَحْشُهَا
وَيَسْعَى حَوْلَهَا، قُلْتُ لَهُمَا: مَا هَذَا؟ قَالَ لِي: انْطَلِقْ انْطَلِقْ.

فَانْطَلَقْنَا، فَأَتَيْنَا عَلَى رَوْضَةٍ مُعْتَمَةٍ فِيهَا مِنْ كُلِّ تَوْرِ الرَّبِيعِ، وَإِذَا بَيْنَ ظَهْرِي الرَّوْضَةِ رَجُلٌ طَوِيلٌ لَا
أَكَادُ أَرَى رَأْسَهُ طَوِيلًا فِي السَّمَاءِ، وَإِذَا حَوْلَ الرَّجُلِ مِنْ أَكْثَرِ وُلْدَانِ مَا رَأَيْتُهُمْ قَطُّ، قُلْتُ: مَا هَذَا؟
وَمَا هَؤُلَاءِ؟ قَالَ لِي: انْطَلِقْ انْطَلِقْ.

فَانْطَلَقْنَا، فَأَتَيْنَا إِلَى دَوْحَةٍ عَظِيمَةٍ لَمْ أَرِ دَوْحَةً قَطُّ أَعْظَمَ مِنْهَا وَلَا أَحْسَنَ!! قَالَ لِي: ازِقْ فِيهَا،
فَارْتَقِينَا فِيهَا إِلَى مَدِينَةٍ مَبْنِيَّةٍ بِلَبْنٍ ذَهَبٍ وَلَبْنٍ فِضَّةٍ، فَأَتَيْنَا بَابَ الْمَدِينَةِ، فَاسْتَفْتَحْنَا، فَفُتِحَ لَنَا،
فَدَخَلْنَاهَا، فَتَلَقَّانَا رِجَالٌ شَطْرُ مِنْ حَلْقِهِمْ كَأَحْسَنِ مَا أَنْتَ رَأَيْتَ!! وَشَطْرُ مِنْهُمْ كَأَفْبَحِ مَا أَنْتَ رَأَيْتَ!!
قَالَ لَهُمْ: اذْهَبُوا فَفَعُّوا فِي ذَلِكَ النَّهْرِ، وَإِذَا هُوَ تَهْرٌ مُعْتَرِضٌ يَجْرِي كَأَنَّ مَاءَهُ الْمَحْضُ فِي الْبِيَاضِ،
فَدَهَبُوا فَوَقَعُوا فِيهِ، ثُمَّ رَجَعُوا إِلَيْنَا قَدْ ذَهَبَ ذَلِكَ السُّوءُ عَنْهُمْ، فَصَارُوا فِي أَحْسَنِ صُورَةٍ، قَالَ: قَالَ
لِي: هَذِهِ جَنَّةُ عَدْنٍ، وَهَذَاكَ مَنْزِلُكَ، فَسَمَّا بَصْرِي صُعْدًا؛ فَإِذَا قَصْرٌ مِثْلُ الرَّبَابَةِ الْبَيْضَاءِ، قَالَ لِي:
هَذَاكَ مَنْزِلُكَ؟ قُلْتُ لَهُمَا: بَارَكَ اللَّهُ فِيكُمَا، فَذَرَانِي فَأَدْخُلْهُ، قَالَ: أَمَّا الْآنَ فَلَا، وَأَنْتَ دَاخِلُهُ، قُلْتُ
لَهُمَا: فَإِنِّي رَأَيْتُ مِنْذُ اللَّيْلَةِ عَجَبًا؟ فَمَا هَذَا الَّذِي رَأَيْتُ؟ قَالَ لِي: إِنَّا سُنْحِرُكَ: أَمَّا الرَّجُلُ الْأَوَّلُ
الَّذِي أَتَيْتَ عَلَيْهِ يَنْتَلِعُ رَأْسَهُ بِالْحَجَرِ: فَإِنَّهُ الرَّجُلُ يَأْخُذُ الْقُرْآنَ فَيَرْفُضُهُ، وَيَنَامُ عَنِ الصَّلَاةِ الْمَكْتُوبَةِ،
وَأَمَّا الرَّجُلُ الَّذِي أَتَيْتَ عَلَيْهِ يُشْرِشِرُ شِدْقَهُ إِلَى قَفَاهُ، وَمَنْخَرُهُ إِلَى قَفَاهُ، وَعَيْنُهُ إِلَى قَفَاهُ: فَإِنَّهُ الرَّجُلُ

يَعْدُو مِنْ بَيْتِهِ فَيَكْذِبُ الْكَذْبَةَ تَبْلُغُ الْآفَاقَ، وَأَمَّا الرَّجَالُ وَالنِّسَاءُ الْعُرَاةُ الَّذِينَ هُمْ فِي مِثْلِ بِنَاءِ التَّنُورِ:
فَأَيْتَهُمُ الزُّنَاةُ وَالزَّوَانِي، وَأَمَّا الرَّجُلُ الَّذِي أُتِيَتْ عَلَيْهِ يَسْبَحُ فِي النَّهْرِ، وَيُلْقِمُ الْحِجَارَةَ: فَإِنَّهُ آكِلُ الرِّبَا،
وَأَمَّا الرَّجُلُ الْكَرِيهَ الْمَرْأَةِ الَّذِي عِنْدَ النَّارِ يُحْشِئُهَا وَيَسْعَى حَوْلَهَا: فَإِنَّهُ مَالِكُ خَازِنِ جَهَنَّمَ، وَأَمَّا الرَّجُلُ
الطَّوِيلُ الَّذِي فِي الرُّوْضَةِ: فَإِنَّهُ إِبْرَاهِيمُ، وَأَمَّا الْوَلِدَانُ الَّذِينَ حَوْلَهُ: فَكُلُّ مَوْلُودٍ مَاتَ عَلَى الْفِطْرَةِ» وَفِي
رِوَايَةِ الْبَرْقَانِيِّ: «وُلِدَ عَلَى الْفِطْرَةِ» فَقَالَ بَعْضُ الْمُسْلِمِينَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ وَأَوْلَادُ الْمُشْرِكِينَ؟ فَقَالَ
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَأَوْلَادُ الْمُشْرِكِينَ». وَأَمَّا الْقَوْمُ الَّذِينَ كَانُوا شَطْرًا مِنْهُمْ حَسَنًا،
وَشَطْرًا مِنْهُمْ قَبِيحًا: فَأَيْتَهُمْ قَوْمٌ خَلَطُوا عَمَلًا صَالِحًا وَآخَرَ سَيِّئًا نَجَّوَزَ اللَّهُ عَنْهُمْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ
[7047].

وَفِي رِوَايَةٍ لَهُ: «رَأَيْتُ اللَّيْلَةَ رَجُلَيْنِ أَتْيَانِي فَأَخْرَجَانِي إِلَى أَرْضٍ مُقَدَّسَةٍ...» ثُمَّ ذَكَرَهُ وَقَالَ: «فَأَنْطَلَقْنَا
إِلَى نَقْبٍ مِثْلِ التَّنُورِ، أَعْلَاهُ ضَيْقٌ وَأَسْفَلُهُ وَاسِعٌ؛ يَتَوَقَّدُ تَحْتَهُ نَارًا، فَإِذَا ارْتَفَعَتْ ارْتَفَعُوا حَتَّى كَادُوا أَنْ
يَخْرُجُوا، وَإِذَا حَمَدَتْ رَجَعُوا فِيهَا، وَفِيهَا رِجَالٌ وَنِسَاءٌ عُرَاةٌ.

وَفِيهَا: حَتَّى أَتَيْنَا عَلَى نَهْرٍ مِنْ دَمٍ - وَلَمْ يَشُكْ - فِيهِ رَجُلٌ قَائِمٌ عَلَى وَسَطِ النَّهْرِ، وَعَلَى شَطِّ النَّهْرِ
رَجُلٌ، وَبَيْنَ يَدَيْهِ حِجَارَةٌ، فَأَقْبَلَ الرَّجُلُ الَّذِي فِي النَّهْرِ، فَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَخْرُجَ رَمَى الرَّجُلُ بِحَجَرٍ فِي فِيهِ،
فَرَدَّهُ حَيْثُ كَانَ، فَجَعَلَ كُلَّمَا جَاءَ لِيَخْرُجَ رَمَى فِي فِيهِ بِحَجَرٍ، فَيَرْجِعُ كَمَا كَانَ.

وَفِيهَا: «فَصَعِدَا بِي الشَّجَرَةَ، فَأَدَخَلَانِي دَارًا لَمْ أَرَ قَطُّ أَحْسَنَ مِنْهَا، فِيهَا رِجَالٌ شُيُوخٌ وَشَبَابٌ».
وَفِيهَا: «الَّذِي رَأَيْتَهُ يُشَقُّ شِدْقُهُ: فَكَذَّابٌ، يُحَدِّثُ بِالْكَذْبَةِ فُتَحْمَلُ عَنْهُ حَتَّى تَبْلُغَ الْآفَاقَ، فَيُصْنَعُ بِهِ
إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ».

وَفِيهَا: «الَّذِي رَأَيْتَهُ يُشَدِّحُ رَأْسَهُ: فَرَجُلٌ عَلَّمَهُ اللَّهُ الْقُرْآنَ، فَتَنَامَ عَنْهُ بِاللَّيْلِ، وَلَمْ يَعْمَلْ فِيهِ بِالنَّهَارِ،

فَيَفْعَلُ بِهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ»، وَالذَّارُ الْأُولَى الَّتِي دَخَلَتْ: دَارُ عَامَّةِ الْمُؤْمِنِينَ، وَأَمَّا هَذِهِ الدَّارُ: فَدَارُ الشُّهَدَاءِ، وَأَنَا جَبْرِيْلُ، وَهَذَا مِيكَائِيلُ، فَارْفَعْ رَأْسَكَ، فَارْفَعُ رَأْسِي؛ فَإِذَا فَوْقِي مِثْلُ السَّحَابِ، قَالَ: ذَاكَ مَنْزِلُكَ، قُلْتُ: دَعَانِي أَدْخُلْ مَنْزِلِي، قَالَ: إِنَّهُ بَقِيَ لَكَ عُمُرٌ لَمْ تَسْتَكْمِلْهُ، فَلَوْ اسْتَكْمَلْتَهُ أَتَيْتَ مَنْزِلَكَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [1386].

قَوْلُهُ: «يَتَلَعُ رَأْسَهُ» هُوَ بِالتَّاءِ الْمُثَلَّثَةِ وَالْعَيْنِ الْمُعْجَمَةِ؛ أَي: يَشْدُحُهُ وَيَشْقُهُ. قَوْلُهُ: «يَتَدَهْدَهُ» أَي: يَتَدَخَّرُ. وَ«الْكَلْبُ» بِفَتْحِ الكَافِ، وَضَمِّ اللَّامِ الْمُشَدَّدَةِ، وَهُوَ مَعْرُوفٌ. قَوْلُهُ: «فَيْشْرِشِرُ» أَي: يَفْطَعُ. قَوْلُهُ: «ضَوْضَا» وَهُوَ بِضَادَيْنِ مُعْجَمَتَيْنِ؛ أَي صَاحُوا. قَوْلُهُ: «فَيْفَعْرُ» هُوَ بِالفَاءِ وَالْعَيْنِ الْمُعْجَمَةِ، أَي: يَفْتَحُ. قَوْلُهُ: «الْمَرَاة» هُوَ بِفَتْحِ المِيمِ؛ أَي: الْمَنْظَرُ. قَوْلُهُ: «يَحْشُهَا» هُوَ بِفَتْحِ اليَاءِ وَضَمِّ الحَاءِ الْمُهْمَلَةِ وَبِالشَّيْنِ الْمُعْجَمَةِ؛ أَي: يُوقِدُهَا. قَوْلُهُ: «رَوْضَةٌ مُعْتَمَةٌ» هُوَ بِضَمِّ المِيمِ وَإِسْكَانِ العَيْنِ وَفَتْحِ التَّاءِ وَتَشْدِيدِ المِيمِ؛ أَي: وَافِيَةُ النَّبَاتِ طَوِيلَتِيهِ.

قَوْلُهُ: «دَوْحَةٌ» وَهِيَ بِفَتْحِ الدَّالِ، وَإِسْكَانِ الواوِ وَبِالحَاءِ الْمُهْمَلَةِ؛ وَهِيَ الشَّجَرَةُ الْكَبِيرَةُ. قَوْلُهُ: «الْمَحْضُ» هُوَ بِفَتْحِ المِيمِ وَإِسْكَانِ الحَاءِ الْمُهْمَلَةِ وَبِالضَّادِ الْمُعْجَمَةِ: وَهُوَ اللَّبَنُ. قَوْلُهُ: «فَسَمَا بَصْرِي» أَي: اِرْتَفَعَ، وَ«صُعْدًا»: بِضَمِّ الصَّادِ وَالْعَيْنِ؛ أَي: مُرْتَفِعًا. وَ«الرَّيَابَةُ» بِفَتْحِ الرَّاءِ وَبِالبَاءِ الْمُوَحَّدَةِ مُكَرَّرَةً؛ وَهِيَ السَّحَابَةُ.

1566. Самура ибн Жундуб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кўпинча саҳобаларига: «**Бирортангиз туш кўрдингизми?**» дер эдилар, шунда Аллоҳ хоҳлаганлар у зотга айтиб беришарди. Бир куни эрталаб у зот шундай дедилар: «**Бу кеча ҳузуримга иккитаси келди. Иккови менга: «Юр», дейишди. Мен улар билан кетдим. Ёнбоши билан ётган бир кишининг олдига келдик. Бошқа бири унинг тепасида бир харсанг билан турарди. Қарасак, у**

харсангни анавининг бошига отиб, бошини ёриб ташлади. Тош эса у ёқ-бу ёққа думалаб кетар, у тошнинг ортидан бориб, (яна қўлига) олар, анавининг олдига қайтиб келгунича унинг боши аввалгидек бўлиб, битиб қоларди. Кейин унга биринчи марта нима қилган бўлса, яна худди шундай қиларди. Мен уларга: «Субҳаналлох, бу иккаласи ким?» дедим. Улар менга: «Юр», дейишди. Юриб бориб, чалқанча ётган бир кишининг олдига келдик. Бошқа бири унинг тепасида темир чангак билан турибди. Қарасак, анавининг бир томонига ўтиб, лунжини энсасигача, бурнининг тешигини ҳам энсасигача, кўзини ҳам энсасигача йиртиб ташлар эди», дер эди. Кейин бошқа ёнига ўтиб, биринчи ёнига нима қилган бўлса, худди шундай қиларди. Бу ёнини йиртиб бўлгунича у ёни аввалгидек бўлиб, битиб қоларди. Кейин унга биринчи марта нима қилган бўлса, яна қайтадан шундай қиларди. Мен: «Субҳаналлох, бу иккаласи ким?» дедим. Улар менга: «Юр», дейишди. Юриб бориб, худди тандирга ўхшаган нарсанинг устига келдик. - Менимча, «Қарасам, унинг ичидан ғала-ғовур овозлар келар эди», деб айтардилар. - Ичига қарасак, унда яланғоч эркак ва аёллар бор экан. Қарасам, уларнинг остидан аланга келар, қачон ўша аланга келса, улар қий-чув қилишар эди. Икковига: «Булар кимлар?» дедим. Улар менга: «Юр, юр», дейишди. Юриб бориб, бир дарёга келдик. - Менимча, «Қондек қизил», деб айтганлар. - Қарасам, дарёда бир одам сузаяпти. Дарё бўйида олдига бир қанча тошни йиғиб олган бир киши бор эди. Сузаётган сузганича сузиб, кейин ўша тош йиғиб олганнинг ёнига келар ва унга оғзини очиб турарди, бу эса унинг оғзига тош юттирар ва у яна сузиб кетар эди. Кейин яна унинг олдига қайтарди. Ҳар гал унинг олдига қайтганида яна оғзини очиб турар, у эса бунга тош юттирар эди. Икковига: «Бу иккаласи ким?» дедим. Улар менга: «Юр, юр», дейишди. Юриб бориб, сен кўрган бадбашара кишиларнинг энг бадбашарасининг олдига келдик. Қарасам, у олдидаги оловга ўт қалар ва унинг атрофида айланар эди. Мен икковига: «Бу ким?» дедим. Улар менга: «Юр, юр», дейишди. Юриб бориб, яшнаган бир боққа келдик. Унда баҳорги дарахт гулларининг ҳаммасидан бор эди. Қарасам, боғнинг ўртасида новча бир киши турибди. Бўйи осмонга етганидан, новчалигидан бошини кўрмай қолаёздим. Унинг атрофида мен ҳеч кўрмаган даражада кўп болалар бор эди. Мен икковига: «Бу ким, булар кимлар?» дедим. Улар менга: «Юр, юр», дейишди. Юриб бориб, улкан бир боққа етиб келдик. Мен бундан улкан ва гўзал боғни асло кўрмаганман. Улар менга: «Унга кўтарил», дейишди. Унга кўтарилдик. Олтин ғишт ва кумуш ғиштардан қурилган шаҳарга етиб келдик. Шаҳар дарвозасининг олдига келиб, очишларини сўрадик. Уни бизга очишди ва биз кирдик. У ерда бизни хилқатининг ярми сен кўрган энг чиройли кишидек, қолган ярми эса сен кўрган энг хунук кишидек одамлар кутиб олишди. Иккови уларга: «Боринглар, анави дарёга тушинглар!» дейишди. Қарасам, олдимизда бир дарё оқаяпти. Сувининг оқлиги соф сутдек. Улар

бориб, унга тушишди. Кейин олдимизга қайтишди. Улардан ўша ёмонлик кетиб, энг гўзал суратда бўлиб қолишган эди. Иккови менга: «Бу Адн жаннатидир. Мана бу сенинг манзилинг», дейишди. Нигоҳимни юқорига қаратдим. Қарасам, оқ булутдек бир қаср турибди. Иккови менга: «Бу сенинг манзилинг», дейишди. Уларга: «Аллоҳ сизларга барака берсин, менга қўйиб беринглар, унга кирай», дедим. Улар: «Ҳозирча йўқ. Аммо сен унга албатта кирасан», дейишди. Мен уларга: «Мен тун бўйи ажойиботлар кўрдим, бу кўрганларим нималар эди?» дедим. Улар менга: «Ана энди сенга айтиб берамиз. Сен борганда боши тош билан ёрилаётган биринчи киши Қуръонни олиб, сўнг уни тарк этадиган ҳамда фарз намозларини қўйиб, ухлайдиган кишидир. Сен борганда лунжи ҳам энсасигача, бурун тешиги ҳам энсасигача, кўзи ҳам энсасигача йиртиб ташланаётган киши эса эрталабдан уйдан чиқиб, уфқларга этадиган ёлғонларни гапириб юрадиган кишидир. Тандирсимон бинодаги яланғоч эркак ва аёллар эса зинокор эркак ва зинокор аёллардир. Сен борганда дарёда сузаётган, оғзига тош юттирилаётган киши эса судхўрдир. Олдидаги оловга ўт қалаб, атрофида айланиб юрган бадбашара одам эса жаҳаннамнинг хозини Моликдир. Боғдаги новча киши Иброҳим соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Унинг атрофидаги болалар эса Ислоом фитратида ўлган барча ёш болалардир. (Барқонийнинг ривоятида: Фитратда туғилган). Мусулмонлардан бири: «Эй Аллоҳнинг Расули, мушрикларнинг болалари ҳамми?» деган эди, «Мушрикларнинг болалари ҳам», дедилар. – **Ярми чиройли, ярми хунук қавмга келсак, улар солиҳ амалга ёмонлик ҳам аралаштирганлар бўлиб, Аллоҳ уларни(нг гуноҳини) кечиб юборган»,** дейишди».

Имом Бухорий ривояти.

Бошқа ривоятда: «Бу кеча (тушимда) икки киши келиб мени муқаддас ерга олиб чиқишди. Кейин биз тандирсимон ғорга бордик. Унинг юқориси тор ва ости кенг эди. Остидан олов ёқилар эди. Агар олов баландласа, улар ҳам кўтарилиб чиқиб кетишларига оз қолар эди. Агар олов сўнса яна пастлашар эди. Унинг ичида яланғоч эркагу аёллар бор эди. Хаттоки биз қондан бўлган анҳор олдига келдик. Бунинг қон эканига шак-шубҳа йўқ. Анҳорнинг ўртасида бир киши, қирғоғида эса, олдига тошларни тўплаб, бошқа киши турар эди. Агар анҳор ўртасидаги киши қирғоққа чиқишни хоҳласа, қирғоқдаги киши унинг оғзига тош отиб, уни аввалги жойига қайтариб қўяр эди. Ҳар гал сувдан чиқиш учун қирғоққа келса, оғзига тош билан уриб, аввалги жойига қайтариб қўяр эди. Шу ривоятда: «Икковлари мен билан дарахтга кўтарилишди. Ва бир ҳовлига олиб киришди. Мен бундай чиройли уйни ҳеч кўрмаганман. У ерда кекса ва кичик

ёшли кишилар бор экан», дедилар. Мана шу ривоятда яна: «Жағи иккига бўлинаётган киши (ҳаётлик вақтида) каззоб эди. У ёлғонни гапирарди. Ўша ёлғон бутун оламга ёйилар эди. Бунга азобни тоинки Қиёмат кунигача берилади», дедилар. Мана шу ривоятда яна: «Боши янчилаётган киши (ҳаётлик вақтида) Аллоҳ унга Қуръонни ўргатган эди-ю, лекин у кечаларини уйқу билан ўтказиб, кундузи у Қуръон ичидаги нарсаларга амал қилмас эди. Юқоридаги азоб билан Қиёмат кунигача жазоланади. Аввалги кирган ҳовли умумий мўъминлар ҳовлисидир. Мана буниси эса шаҳидлар ҳовлисидир. Мен Жаброилман. Бу эса Мекоилдир. Энди бошингни кўтаргин дейишди. Бошимни кўтариб қарасам, устимда булут каби нарса турибди. Икковлари: «Бу сенинг манзилингдир», дейишди. Мен: «Қўйиб юборинглар, ўз манзилимга кирайин», десам, икковлари: «Ҳали тугамаган умринг қолди. Агар умринг охирига етса (яъни вафот этсанг) ўз манзилингга албатта борасан», дейишди.

Имом Бухорий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

